САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВ МИРШОҲИД ХОЛМУРОДОВИЧ

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СФЕРИК ТРИГОНОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

УДК: 378.091.3:514.116.3

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Эгамов Миршоҳид Холмуродович
Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитиш методикаси 3

Эгамов Миршоҳид Холмуродович
Методика преподавания предмета сферическая тригонометрия в технических вузах 23

Egamov Mirshohid Xolmurodovich
Methods of teaching the subject of spherical trigonometry in technical higher educational institutions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВ МИРШОҲИД ХОЛМУРОДОВИЧ

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СФЕРИК ТРИГОНОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped732 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (http//samdu.uz/xtisoslashgankengashlar) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тажиев Мамаражаб,** педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Халхўжаев Ахмад Мияссарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ахлимирзаев Аҳмаджон педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.ped.02.05 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu ped kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибрагимов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Ураков
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жамият субъектларининг ҳудуд ва табиий осмон жисмларини қўшган ҳолдаги космик фазо билан боғлиқ геодезия ва картография маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини ортиб бориши натижасида соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнида талабаларни мантиқий, фазовий тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган усуллардан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Илғор техника олий таълим муассасалари томонидан амалдаги ўқув режа ва фан дастурлари мазмуни сферик тригонометрия фани учун ажратилган соатлар ҳисобига кенгайтириш орқали мутахассислик фанлари ва математикани ўқитиш ўртасидаги боғлиқлик ва алоқадорликни таъминлаш, математиканинг тадбиқларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилмоқда.

Дунёда геодезик ўлчовларда математик усуллардан фойдаланиш амалиёти, геоинформацион технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик ёндашувларнинг хусусиятлари, электрон дастурий таъминот интеграцияси, талабаларнинг фазовий фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда математика, хусусан, сферик тригонометриянинг амалий тадбиқларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар сферик тригонометрия фанини ўқитиш жараёнида талабаларни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори ва технологик тараққиёт талабларига мослиги, касбий фаолиятда рақобатдошлигини ошириш ҳамда соҳани инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, олий таълим муассасалари ўқув мазмунини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириб янгилаш, инфратузилма ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар таълим сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, ўқитиш жараёнига илғор таълим технологияларни ва дастурий таъминотларни тадбиқ этиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Математика таълимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирларида «математика соҳасида жаҳон илмий марказлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар ташкил этиш, замонавий илм-фан ютуқлари оммалаштирилишини ташкил этиш, илмий-тадқиқот фаолиятининг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлаш»[1] каби вазифалар белгиланган. Бу борада техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фани мазмуни, фузионизм ғояси асосида ўқитиш самарадорлигини оширувчи ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқув-методик таъминотини электрон дастурий воситалар асосида ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, шунингдек, В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил, 07/19/4387/3397-сон.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4513-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, шунингдек, В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон Қарорлари, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий тълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математика курсининг ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича изланишлар юртимизда Ж.Икромов, Н.Ғайбуллаев, М.Тожиев, Х.И.Ибрагимов, Н.Шодиев, Г.Злоцкий, Н.Гайбуллаев, Д.Юнусова, Н.Тойлоқов, Б.Абдуллаева, С.Алихонов, А.Ахлимирзаев, М.Раемов, М.Баракаев, Х.А.Султонова, унинг амалиётга тадбиғини Г.К.Изетаева, Д.Турдибоев, Э.Шарипов, О.Ғайбназаров, М.Қўчқаров, М.Ўралова, А.Хуррамов ва бошқаларнинг шу соҳадаги илмий-тадқиқот ва методик ишлари тадқиқотимизда дастурил амал сифатида фойдаланилди. МДҲ мамлакатларида эса В.И.Мишин, А.Г.Мордокович, Г.И.Саранцев, Р.С.Черкасов, П.М.Эрдниев, М.Н.Рогановский ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, дарс жараёнларини лойиҳалаш ва шахсга йўналтирилган таълим муаммолари бўйича А.Абдуқодиров, М.Арипов, В.П.Беспалько, П.Буга, А.П.Юшкевич, М.В.Кларин, Е.Лебедева кабилар илмий изланишлар олиб борган.

Сферик геометрия фанини ўқитиш ва ўқув машғулотларини ташкил этишга оид юртимизда А.Аъзамов, А.Садуллаев, Н.Муслимов, Ж.Ғ.Йўлдошев, А.О.Ахмедов, А.Мовлянов ҳамда МДҲ мамлакатларида Г.П.Матвиевская, Ю.М.Колягин, C.Cobb ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Сферик геометрия фанини ўқитиш ҳусусиятлари ҳамда муаммоларини тадқиқ қилиш соҳаси бўйича И.Я.Рахмонов, Н.Д.Ядгаров, Г.Н.Ғойибназарова, Н.Акбаров, О.Б.Бердиеваларнинг илмий-тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

Геометрияни ўқитишда талабаларнинг методик тайёргарлигини ривожлантиришга, фазовий алмаштиришлар жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, техника олий ўқув юрти талабаларида касбий маданиятни шакллантириш, геометрия таълимида ўқувчиларнинг

мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда аналитик геометрияни ўқитишга бағишланган бўлсада техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрияни ўқитишда фузионизм ғояси (аналог усул, илғор таълим технологиялари) асосида лойиҳалаб ўқитишдан фойдаланиш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-33 – «Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти («Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналиши мисолида)» (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитишнинг ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш ва зарурлигини асослаш ва шу асосида сферик тригонометрия фани мазмунини муҳандислик фаолиятини олиб боришда дастурий таъминот (Excel, Maple) имкониятларидан фойдаланиб такомиллаштириш;

сферик тригонометрия фанини фузионизм ғояси асосида ўқитиш орқали талабаларнинг мутахассислик фанларидан ўқув кўникмаларини ва мантиқий, фазовий тасаввурларини ривожлантириш;

аналогия методи асосида сферик тригонометрия фани ўқув машғулотларини лойиҳалаштириб ўқитишни такомиллаштириш;

техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини. Maple дастури имкониятлари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда унинг натижалари асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қарши мухандислик иқтисодиёт институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали, Тошкент Архитектура қурилиши институти институтининг жами 726 нафар талабалари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети: техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб ўқитишнинг шакли, восита ва методикаси.

Тадқиқотнинг усуллари: техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитиш жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сферик тригонометрия фанини ўқитишда фузионизм ғоясининг таълим субъектлари ўқув ва амалий фаолияти доираси ва мантиқий, фазовий тасаввурларни кенгайтиришга таъсири сферик ва текисликдаги геометриянинг «аналог» тушунчаларини гуруҳлаштириш (бир хил маъноли, турли хил маъноли, бир-бирида мавжуд бўлмаган) асосида аниқлаштирилган;

сферик тригонометрия фанининг ўқув мазмунини танлаш мезонлари (узлуксизлик, аҳамиятлилик, мувофиқлик, эҳтиёжларини қондириш, амалий тавсияли, хусусиятларга мослик) геометрия ва стереометриянинг маданий, интеллектуаль, ижодий ва эстетик ривожланиш, ҳаракат йўналишини аниқлашдаги роли, фанлар ва мавзулар ўртасидаги интеграциялашувга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фани дарсларини лойиҳалаштириш тузилмаси объектлар ўртасида геометрик алоқадорликни таъминловчи аналогик усулларни қўллаш (сферик ва планар аналогларни қуриш) асосида ишлаб чиқилган;

«Геодезия, картография ва кадастр» йўналиши учун сферик тригонометрия фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб сферик тригонометрияга оид баҳс-мунозара саволлари ва топшириқлари, назорат синовлари, ўқув материалларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, ушбу бўлимни фузионизм ғояси ва Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

сферик тригонометрия фанини ўқитишда фузионизм ғояси асосида аналог усулни илғор таълим технологиялари хусусиятларидан келиб чиқиб, «Сферик тригонометрия фан дарсларини лойиҳалаб ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш» номли монография ҳамда «Сферик тригонометрия» номли ўқув қўлланма яратилган;

геодезия картография ва кадастр йўналишида сферик тригонометрия фанини дарс ишланмалари яратилган ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, ўқув қўлланма ва улар ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда сферик тригонометрия фанини ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган ўқув машғулотлари ишланмалари Maple дастур имкониятларидан ва аналог усулидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва натижаларининг техника олий таълим муассасаларида қўлланилаётгани ҳамда яратиладиган янги авлод ўқув адабиётларини яратишда фузионизм ғояси ва ўқув машғулотлари лойиҳалари ҳамда Maple дастури имкониятларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Сферик тригонометрия » фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

сферик тригонометрия фанини ўқитишда фузионизм ғоясининг таълим субъектлари ўқув ва амалий фаолияти доираси ва мантиқий, фазовий тасаввурларни кенгайтиришга таъсири, сферик ва текисликдаги геометриянинг «аналог» тушунчаларини гуруҳлаштириш (бир хил маъноли, турли хил маъноли, бир-бирида мавжуд бўлмаган), фанни ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб сферик тригонометрияга оид баҳс-мунозара саволлари ва топшириқлари, назорат синовлари, ўқув материалларини ишлаб чиқишга оид таклифлари «Сферик тригонометрия» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғи). Ушбу ўқув қўлланма техника олий таълим муассасаларнинг ўқув-методик таъминотини бойитиш ҳамда «Сферик тригонометрия» фанидан олинган билимлар асосида талабалар томонидан мутахассислик масалаларини ечимини топиш имкониятларининг ошишига хизмат қилган;

сферик тригонометрия фанининг ўқув мазмунини танлаш мезонлари (узлуксизлик, аҳамиятлилик, мувофиқлик, эҳтиёжларини қондириш, амалий тавсияли, хусусиятларга мослик), геометрия ва стереометриянинг маданий, интеллектуаль, ижодий ва эстетик ривожланиш, ҳаракат йўналишини аниқлашдаги роли, фанлар ва мавзулар ўртасидаги интеграциялашувга оид таклифлардан А-1-33 – «Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти (“Математика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши мисолида)» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3703-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар аналог усулга мувофиқ мутахассислик фанлари ва сферик тригонометрия фанини ўқув мавзулари ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаш, ўқитиш мазмуни ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаолияти тузилмасини кенгайтириш ва таълим самарадорлигини ошириш имконини берган;

техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фани дарсларини лойиҳалаштириш тузилмаси, объектлар ўртасида геометрик алоқадорликни таъминловчи аналогик усулларни қўллаш (сферик ва планар аналогларни қуриш)га оид таклифлардан **техника олий таълим муассасалари** “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриат таълим йўналиши Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, **сферик тригонометрия фани машғулотларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий**

этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3703-сон маълумотномаси). Натижада, “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриат таълим йўналиши ўқув мазмунини такомиллаштириш, сферик тригонометрия фанидан машғулотлар самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та монография ва 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Геодезия картография ва кадастр таълим йўналишида сферик тригонометрия фанни ўқитишнинг илмий методик асослари**» деб номланган биринчи бобида техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитишнинг ҳолати ўрганилди, таҳлил этилди ва зарурлиги асосланди ҳамда шу асосида сферик тригонометрия фани мазмуни муҳандислик фаолиятини олиб боришда дастурий таъминот (Excel, Maple) имкониятларидан фойдаланиб такомиллаштирилди.

Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанини ўқитиш аҳамиятга моликлигидан келиб чиқиб, сферик тригонометрия фанини ўқитишнинг ҳолати ўрганилди ва таҳлил этилди. Ўрганиш ва таҳлиллар асосида техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанининг ўқитиш сифатини янада оширишга хизмат қилишга қаратилган ва ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқланди: Жумладан: мамлакатимиз техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанининг ўқитишнинг мақсади таълим соҳаси

Давлат таълим стандарти, таълим йўналиши Малака талаблари мазмуни ўқув фан дастуридаги мақсадлар билан чекланган бўлиб, талабаларнинг билим ва кўникмасига қўйилган компетенция даражаси ва уларнинг мустақил равишда ижодкорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир дарс машғулотларининг мақсадлари ишлаб чиқилмаган;

техника олий таълим муассасаларининг ўқув режаси ва фан дастурида сферик тригонометрия фанининг таркибидаги мавзуларнинг ўқитиш замон талаблари асосида такомиллаштирилмаган ва назарийлаштирилган ҳолда ўқитилишига устуворлик берилган;

сферик тригонометрия фани таркибидаги бўлимларини асосий тушунчаларнинг ва текисликдаги геометрия фани орасидаги фарқи (таърифлари, формулалари, теоремалари, ўлчовлари, шакли)нинг таҳлили кўрсатилмаган, талабаларнинг касбга йўналтиришларидан келиб чиққан амалий аҳамият эга бўлган геодезик масалаларни реал воқеликлар асосида кўрсатишга кам эътибор қаратилган ҳамда ўқув машғулотлари лойиҳалаштирилмаган;

мамлакатимизда техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанининг бўлимларини ўқитиш методикасига оид илмий тадқиқот ишлари деярли бажарилмаган.

Хорижий тажрибаларнинг ютуқларини эътиборга олган ҳолда техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанининг бўлимлари таълим мазмунини янада кенгайтириш, назарий томони билан биргаликда амалий томонига устуворлик бериш ва турли замонавий ёндашувлар асосида сферик тригонометрия ўқув фанининг бўлимларини ўқитиш методикасини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Берилган таклифлар натижасида 2017-2018 ўқув йилидан ишчи ўқув режасида «Сферик тригонометрия» фанига оид мавзуларининг амалий машғулот соатлари, 2018-2019 ўқув йили учун ишчи ўқув режасида эса «Сферик тригонометрия» фанига оид мавзуларининг маъруза машғулот соатлари ҳам оширилди.

Дарс жараёнларида кузатилган камчиликлардан бири, ўқув материалларни назарийлаштириш тамойили асосида ўтилаётганлиги ва геодезия, картография ва кадастр масалаларни ечишда дастурий таъминотлар имкониятларидан фойдаланилмаганлигидадир, деган хулосага келиниб, геодезия, картография ва кадастрга оид масалаларини дастурий таъминотлар имкониятларидан фойдаланиб ўқитишда «Сферик тригонометрия» фан мавзуларининг назарий томонлари билан биргаликда амалий томонларига эътиборни қаратиш ва ўқув фанларнинг интеграциясини инобатга олган ҳолда талабаларда креативликни, АКТ лар ва дастурий таъминотлардан фойдаланиш шакллантирилиб, онгли равишда мутахассислик фаолияти билан узвий равишда олиб боришга хизмат қилган.

Техника олий таълим муассасаларида таълим-тарбиянинг сифати, самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган «Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналишида ўқитиладиган сферик тригонометрия ўқув фанининг бўлимларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш лозим бўлган қуйидаги жиҳатларнинг мавжудлиги аниқланди:

таълим соҳаси Давлат таълим стандарти ва таълим йўналиши малака талабларида «Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналиши талабаларига ўқитиладиган сферик тригонометрия ўқув фанининг бўлимлари бўйича белгиланган билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар билан ўқув дастурларидаги таълим мазмунининг ҳажми мувофиқлиги ҳолати;

амалдаги ўқув режа ва фан дастурида сферик тригонометрия фани учун ажратилган соатлар тақсимотининг ўқув мазмунини ўрганиш учун мувофиқлиги ҳолати ҳамда таянч тушунчаларнинг изчиллиги, узвийлиги, бирлиги каби тамойилларни эътиборга олиниши билан боғлиқ ҳолатлар.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, сферик тригонометриядан ўқув материалини баён этишда таянч тушунчаларни аниқ белгилаб олиш ва етарли даражада аниқ ва содда тарзда баъён қилишга устуворлик бериш асосида техника олий таълим муассасаларида «Сферик тригонометрия» фан мавзуларининг амалий ва методик томонларини кучайтириб ўқитиш тажрибаси юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

«Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналишида сферик тригонометрия фанини ўқитиш орқали талабаларининг мантиқий, фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг амалий асослари ишлаб чиқилган.

«Геодезия, картография ва кадастр» таълим йўналиши таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш устувор вазифа сифатида қўйилди. Шундан келиб чиқиб, геодезия картография ва кадастр таълим йўналиши бўйича таҳсил оладиган талабаларда ўқитиладиган сферик тригонометрия фанини ўқитиш жараёнида уларнинг мантиқий, абстракт фикрлаш, математик ва фазовий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришни, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, хулосаларини асосли тарзда аниқ баён этишга ҳамда геодезик масалаларни назарий ва амалий еча олишга, етарли математик билимларни эгаллаш ва уни қўллашга, геодезия масалаларининг математик моделини тузиш ва таҳлил қилишга ўргатишни кўзда тутилди. Натижада, сферик тригонометрия фани бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма, малакалари ва тасаввурини ривожлантиришда сферик тригонометрия фанининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Бу эса талабаларни келгусида «геодезия, олий геодезия ўлчовларида математик усуллар», «осмон геодезияси ва сферик астрономия», «геоинформацион технологиялар» каби предметларни ўзлаштиришда ёрдам беради.

Сферик тригонометрия фанида Maple дастуридан ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига аниқликлар киритилиб, уни таълим амалиётига жорий этиш йўллари ишлаб чиқилган. Шундан фойдаланиб, Maple дастури «Сферик тригонометрия» ўқув фани бўлимларини ўрганишда интерактив восита бўлиб хизмат қилишига асосланган ҳолда Maple дастури интерактив имкониятлари очиб берилган.

Диссертациянинг «**Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини фузионизм асосида ўқитиш методикаси**». деб

номланган иккинчи бобида сферик тригонометрия бўлимини фузионизм ғояси асосида ўқитиш орқали талабаларнинг мутахассислик фанларидан ўқув кўникмалари шакллантирилган ва мантиқий, фазовий тасаввурлари ривожлантирилган ҳамда фанлараро ва ўқув мавзуларидаги аналогик тушунчаларнинг алоқадорлик кўрсаткичлари асосида сферик тригонометрия фани ўқув машғулотлари лойиҳалаштирилга ҳолда Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ишлаб чиқариш билан боғлаб ўқитишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунда фанларни ўрганишда талабалардан фундаментал билимларга эга бўлиш талаб этилади. Хусусан, мутахассислик фанларини яхши ўзлаштириш учун талабалар пухта математик билимга эга бўлишлари зарур. Математикани махсус бўлимларидан бири сферик тригонометрияни ўргатишда эса элементар геометрия ва тригонометрияни билиш талаб этилади. Олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг аксарияти текисликдаги геометриянинг асосий тушунчалари, ҳамда тригонометриянинг асосий формулаларини яхши ўзлаштирган бўлади. Шундан келиб чиқиб, талабаларнинг мутахассислик фанларидан ўқув кўникмаларини ривожлантиришнинг омили сифатида сферик тригонометрия фанини фузионизм ғояси асосида ўқитиш такомиллаштирилган.

1-расм. Планиметрия ва сферик тригонометрия фанининг аналогияси

Олий таълимда сферик тригонометрия фанини ўқитишда фузионизм ғоясига, яъни уни текисликдаги Евклид геометрияси ва тригонометриядан олинган билимларга асосланган ҳолда ўқитишда “аналог” тушунчалар катта аҳамиятга эга. Бунда «аналог» тушунчаларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин (1-расмга қаранг).

Биринчи гуруҳда планиметрия ва сферик геометрияда айнан бир хил маънода ишлатиладиган тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бундай

тушунчалардан намуналар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Планиметрия ва сферик геометрияда айнан бир хил маънода ишлатиладиган тушунчалар

Евклид планиметриясида	Сферик геометрияда
1.Нуқта	1. Нуқта
2 Учбарчакда 3 та томон ва 3 та ички бурчаклар мавжуд	2. Сферик учбурчакда 3 та томон ва 3 та ички бурчак мавжуд.
3.Учбурчак бурчаклари градусларда ёки радианларда ўлчанади.	3. Сферик учбурчак бурчаклари градусларда ёки радианларда ўлчанади.
4. Исталган учбурчакни икки томони йиғиндиси учинчи томонидан катта.	4. Сферик учбурчак икки томони йиғиндиси учинчи томонидан катта.
5.Учбурчак тенглиги аломатлари.	5.Сферик учбурчак тенглиги аломатлари.
6.Учбурчак томон ва бурчаклари орасидаги мослик	6. Сферик учбурчак томон ва бурчаклари орасидаги мослик.

Иккинчи гуруҳда бир хил ном билан аталсада, икки хил маънога эга бўладиган аслида бир - бирига яқин, бир бирини тўлдирадиган тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бундай тушунчалардан намуналар қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Планиметрия ва сферик геометрияда икки хил маънода ишлатиладиган тушунчалар

Евклид геометриясида	Сферик геометрияда
1. Тўғри чизиқ (чегараланмаган).	1 Сферада тўғри чизиқ-сферанинг катта айланаси (узунлиги $2\pi r$ га тенг)
2. Айлана (битта марказга эга, *радиуси кесмадан иборат)*	*2.Сферада айлана (иккита қарама қарши марказга эга радиуси* катта айлана ёйидан иборат).
3. Кесма (тўғри чизиқни икки нуқтаси орасидаги қисми).	3.Сферада кесма (катта айлана ёйининг икки нуқтаси орасидаги кичик қисми).
4. Нуқталар орасидаги масофа (кесма узунлиги)	4. Сферадаги нуқталар орасидаги масофа (берилган нуқталардан ўтувчи катта айлана қисқа ёйининг узунлиги).
5. Учбурчак (учта ёпиқ синиқ чизиқ билан чегараланган текислик қисми)	5. Сферик учбурчак (сферанинг учта катта айлана ёйлари билан чегараланган қисми).
6. Учбурчак томонлари узунлик бирлигида ўлчанади	6. Сферик учбурчак томонлари худди бурчаклари каби градус ёки радианларда ўлчанади
7. Текисликда фақат битта бурчаги тўғри бўлган тўғри бурчакли, ўткир ва ўтмас бурчакли учбурчаклар мавжуд	7. Сферик геометрияда камида битта бурчаги тўғри бўлган тўғри бурчакли камида битта томони 90^0 ли бўлган учбурчаклар мавжуд.

Учинчи гуруҳда бирида ишлатиладиган ва иккинчисига ишлатилмайдиган тушунча, қоида ҳамда формулаларни киритиш мумкин. Бундай тушунчалардан намуналар қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

Планиметрия ва сферик геометрияда бирида ишлатиладиган, иккинчисига ишлатилмайдиган маънодаги тушунчалар

Евклид геометриясида	Сферик геометрияда
1. Нур	1. Бундай тушунча мавжуд эмас.
2. Ярим текислик	2. Бундай нарса йўқ.
3. Текисликдаги тригонометриядаги формулаларда уларнинг сони камлиги учун формулалардаги ҳадларни айлана бўйлаб алмаштириш усулидан фойдаланиш шарт эмас.	3.Сферик тригонометрияда формулаларни ёзишда (уларнинг сони кўплиги сабабли), кўп ҳолларда ҳадларни айлана бўйлаб алмаштириш усулидан фойдаланилади. Яъни $a \to b, b \to c, c \to a; A \to B, B \to C, C \to A$ алмаштиришлар амалга оширилади.
4. Параллеллик аксиомаси; Тўғри чизиқда ётмайдиган нуқтадан берилган тўғри чизиққа параллел бўлган ягона тўғри чизиқ ўтказиш мумкин.	4. Сферада параллеллик аксиомаси мавжуд эмас. Чунки сферада чексиз кўп жуфт нуқталарни кўрсатиш мумкин, улардан кўплаб тўғри чизиқ ўтади.
5. Параллел кўчириш	5. Сферик тригонометрияда параллел кўчириш тушунчаси мавжуд эмас

Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фани бўйича ўқув машғулотининг лойиҳаларини тузиб чиқишда педагогик технологиянинг илмий асосланган тамойилларига суянилди.

Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия фанини ўқитиш методикаси Maple дастури имкониятларидан фойдаланиб сферик тригонометрияга оид билимлар динамикасига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Таълим жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш қуйидаги умумий омилларга боғлиқ бўлади: 1) ўрганилаётган мавзу юзасидан муаммоли саволлар тизимини тузиш; 2) қўйилган муаммоли саволлар тизими асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалларини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш; 3) муаммоли савол асосида изланиш характеридаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Муаммоли вазиятнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш талабаларнинг актив фикрлаш фаолиятини психологик, педагогик қонуниятларини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш муаммоли таълимнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида ҳосил қилинган дарс жараёни муаммоли таълим дейилади

Муаммоли таълимда ўқитувчи фаолияти шундан иборатки, у зарур ҳолларда энг мураккаб тушунчалар мазмунини тушунтира бориб ўрганилаётган мавзу материали бўйича мунтазам равишда муаммоли вазиятлар вужудга келтирилади, талабаларни фактлардан хабардор қилади, натижада талабалар бу фактларни анализ қилиш асосида мустақил равишда хулоса чиқарадилар ва умумлаштирадилар.

Бу фикрни сферик учбурчак мавзуси ўтилганда, янада кенгроқ, тушунарли тарзда етказиш мумкин. Аслида, бу муаммони бевосита мавзу аввалида талабаларга тақдим этиш мавзунинг ўганиш аҳамиятини унга қизиқишни орттиради.



2-расм. «Сферик тригонометрия» фани дарсларини комплекс лойиҳалаштириш модели

Текисликдаги ва сферик тригонометриядаги «аналог» тушунчаларни «сферик тригонометрия» фанининг ҳар бир мавзусини ўқитиш жараёнини

аналогия методи асосида комплекс лойиҳалаштириб ўқитиш методикаси такомиллаштирилган (2-расмга қаранг).

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда талабалар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар. Натижада ўрганилаётган мавзу материали бўйича талабаларда муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Олий техника ўқув юртида сферик тригонометрия фанини ўқитишда, талабаларга қуйидаги муаммоли вазиятни қўйиш мумкин. Бунда, уларга «учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси нимага тенг» – деб савол қўйсангиз. Албатта, улардан «180^0 га тенг» – деган жавоб оласиз. Бу уларга мактаб курсидан маълум. Улар учун, бу ўрта мактабда, бир тўғри чизиқда ётмайдиган учта нуқтани тўғри чизиқ кесмалари орқали туташтиришдан ҳосил бўлган ёки учта кесмадан иборат синиқ чизиқ чегаралаб турган текисликдаги шаклга учбурчак деб аталади – деб таъриф берилиб, уларнинг ички бурчаклар йиғиндиси 180^0 га тенглиги исботланган.

Уларга «тасаввур қилиб кўринг, учбурчак ички бурчакларини йиғиндиси 180^0 дан кичик ёки катта бўладими», – деб муаммоли вазиятни яратсак, табиийки, улар бундай бўлишига, дастлаб ишонқирамай қарашади.

Агарда текисликдаги учбурчакда тўғри чизиқ тушунчасини ёй тушунчаси билан алмаштирсак, яъни текисликдаги 3 та нуқтани айлана ёйлари билан туташтирсак, ҳосил бўладиган учбурчак, мактабда ўқувчилар тасаввуридаги учбурчакдан фарқ қилади. Табиийки, бунда ҳосил бўладиган учбурчаклар бурчаклари йиғиндиси 180^0 дан катта ва 180^0 дан кичик бўлиши кўриниб турибди (3-расмга қаранг).



3-расм. Текисликдаги ва сферадаги учбурчаклар фарқи

Бундай учбурчаклар билан геометриянинг стереометрия бўлимдаги сфера, шар, шарнинг текислик билан кесими, шар симметрияси, шарга уринма текислик, икки сферанинг кесишмаси мавзуларини ўтилиши жараёнида дуч келинади.

Сферик тригонометрияда бу тушунчани ёритишда сферада катта айлана ва кичик айлана тушунчалари муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларга бу вазият қуйидагича тушунтирилса, текисликда эмас, сфера сиртида учбурчак тушунчаси яъни сфера сиртида, учта катта айлананинг ёйларини кесишишидан ҳосил бўладиган нуқталарнинг геометрик ўрни сифатида киритилса, сферик учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси 180^0

дан катта ёки кичик бўлиши равшан бўлиб қолади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилди. Техника олий таълим муассасаларида сферик тригонометрия ўқув фанининг сферик геометрия элементлари ўқитиш ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалаштиришга тизимли ёндашган ҳолда ташкилий-педагогик тизимни самарали ривожлантиришга йўналтирилган амалий фаолият, аввалдан ишлаб чиқилган тажриба-синов дастури асосида олиб борилган амалий тадқиқот натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишларининг ташкилий тайёргарлик босқичида 2015–2016 ўқув йилларида тажриба-синов майдонлари сифатида ҚарМИИ, ТИҚМИ Бухоро филиали ва ТАҚИ лар белгиланиб, у ердан биринчи ва иккинчи курс талабалари танлаб олинди, улардан тажриба ва назорат гуруҳлари тузилди.

Тажриба-синов ишининг биринчи босқичи (2015–2016 йй.) мақсади танланган муаммонинг техника олий таълим муассасаларидаги сферик тригонометрия ўқув фанининг сферик геометрия элементлари ўқитиш ҳолатини ўрганиш, ўқитиш жараёнида талабаларда мутахассислик масалаларни ечиш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонини топишдан иборат бўлди.

